

ЭФТАЛИЙЛАР ДАВЛАТИ БОШҚАРУВ ТАРТИБОТИДА МАЪМУРИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ РОЛИ

Камолов Жаҳонгир Мамасидиқовиҷ

ТДПУ, Тарих фани ўқитувчиси

Рахматова Малика Шерзодовна

ТДПУ, Тарих факултети 3 босқич талабаси

jahongir.kamolov.88@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада Эфталийлар давлати маъмурӣ марказлари, хусусан давлат пойтахти ва диний марказлар бўлган шаҳарларни тавсифи берилган бўлиб, улар ҳақида манбалардаги (хитой, византия, араб ва форс) маълумотлар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: пойтахт, маъмурӣ марказ, диний марказ, қалъа, қўргон, маросим, кўчманчилик, йилномалар, хокимият, бошқарув, инфраструктура, салоҳият, ҳукмдор қаророгоҳи.

РОЛЬ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ЦЕНТРОВ В УПРАВЛЕНИИ ЭФТАЛИТСКИМ ГОСУДАРСТВОМ

АННОТАЦИЯ

В статье описаны города, бывшие административными центрами эфталитского государства, столицей частного государства, а также религиозными центрами, и проанализированы сведения о них из источников (китайских, византийских, арабских и персидский).

Ключевые слова: столица, административный центр, религиозный центр, замок, крепость, обряд, поселение, летопись, администрация, управление, инфраструктура, здание, резиденция правителя.

THE ROLE OF ADMINISTRATIVE CENTERS IN THE ADMINISTRATION OF THE HEPHTHALITE STATE

ABSTRACT

The article describes the cities that were the administrative centers of the Hephthalite state, the capital of a private state, as well as religious centers, and analyzes information about them from sources (Chinese, Byzantine, Arabic and Persian).

Keywords: capital, administrative center, religious center, castle, fortress, rite, settlement, chronicle, administration, management, infrastructure, building, ruler's residence.

Кириш. Эфталийлар давлатининг бошқарув марказлари, яъни пойтахт ва қароргоҳлари масаласида ҳам тадқиқотчилар бир-биридан фақрли қарашларни ўртага ташлаганлар. Кўпчилик тадқиқотчилар хитой йилномаларидағи маълумотларга таяниб, Бадиян (Қундуз) шахрини уларнинг пойтахти десалар, бошқа бир тадқиқотчилар эса Бухоро воҳасидаги Пойкент, Варахша шаҳарларини, айримлар эса Нахшаб, Чагониён ёки Балхни ушбу салтанатнинг бош маркази ёки қароргоҳи сифатида қарайдилар.

Ушбу маълумотни тўлиқроқ таҳлил қилишдан олдин Эфталийлар пойтахти масаласида ўз қарашларини билдирган айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига тўхталсак. Ёзма манбалардаги маълумотларнинг турличалигидан келиб чиқиб тадқиқотчилар Эфталийлар давлатининг бошқарув марказлари тўғрисида бир-биридан фарқли қарашларни айтиб ўтишади. Масалан, Р. Шамсуддинов «Эфталийлар давлатининг сиёсий маркази – пойтахти қаерда бўлганлиги тўғрисида қатъий аниқ маълумот йўқ. Тахминий фикрларга кўра, бундай марказ Пойканд ёки Балх бўлган дейилади».[1] В.В.Бартолд бу тўғрида шундай ёзади: «Эфталийлар даврида давлатимизнинг пойтахти қаерда бўлгани ҳақида ҳам аниқ маълумотлар йўқ. Баъзилар Бойкентни (Пойкент) кўрсатса, бошқалари Бадахшонда деб биладилар».[2] Бартолдни ушбу фикрларига таяниб А.Зиё Эфталийларнинг маркази дастлаб Бақтрияда, сўнгра Сосонийлар хавфи узил-кесил йўққа чиққач ҳамда салатанат чегаралари Шарқий Туркистон ҳисобига ҳам кенгайгач, пойтахт Пойкентга қўчирилган бўлиши мумкинлигини илгари суради.[3]

Пойкентнинг Эфталийлар пойтахти бўлганлиги ҳақида тўғридан-тўғри маълумот учрамайди. XX аср ярмига келиб археологик топилмалар асосида бир қатор изланувчилар бу фикрни айта бошлишди. Бадахшоннинг Эфталийлар бошқарув маркази бўлган, деб қаровчилар эса ушбу географик худуднинг муайян бир шаҳар эмас, тоғлик ўлка учун ишлатилганига эътибор беришлари керак бўлади. Яъни Бадахшондек бир ўлканинг айнан қаери ёки қайси шахри Эфталийларнинг бошқарув маркази бўлганини аниқлаш керак бўлади.

Шунингдек, А. Зиёнинг Сосонийлар хавфи йўқолгач ва Шарқий Туркистон ҳисобига салатанат ҳудудлари кенгайгач, Эфталийлар ўз пойтахтини Пойкентга кўчирган бўлишлари ҳақидаги қарашлари ҳам изоҳ талаб қилади. Чунки, айнан бундай фикрларга асос берадиган далиллар ҳам деярли йўқ ҳисоби. Қолаверса, Шарқий Туркистон қўлга киритилгач, бошқарув марказининг ушбу ўлкага яқинроқ ҳудудга эмас, аксинча анча узоқроқ бўлган Бухоро кўчирилиши ҳам мантиқан ўзини унчалик оқламайди.

Эфталийлар давлатининг бошқарув марказлари масаласида яна А. Зиё томонидан билдирилган қуидаги фикрлар диққатни ўзига тортади. Унинг фикрича, манбаларда Эфталийлар «шаҳарлик сулола», ё бўлмаса «улар кўчманчи, ёзда салқин, қишида илиқ ерларда» туришларига оид қарама-қарши маълумотлардан келиб чиқилса, улар дастлабки йилларда бутун минтақа (Ўрта Осиё – диссер.) узра қатъий сиёsat ўрнатгунга қадар ҳам анъанавий яшаш тарзи, ҳам шароит тақозасига кўра марказдан четда турган ҳолда бошқарув ишларини олиб боришган. Бориб-бориб эса улар марказий ва катта шаҳарларда ҳам ўз қароргоҳларига эга бўла бошлаганлар.[4]

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, Марказий Осиёнинг кўчманчи асосли сулолалари ўз пойтахтини танлашда бир неча омилларга эътибор берганлар:

1)Ўтрок ҳудудлардаги мавжуд инфраструктурани бузмасликка ҳаракат қилиш. Яъни ўша даврларда минтақа шаҳарлари қўпсонли қўшинни ва қўшимча янги аҳоли гурухини боқа олиш салоҳиятига эга бўлмаган. Шунинг учун кўчманчи хукмдорлар ўз қўшини ва бошқарувчи тоифа ва улар мансуб бўлган уруғларни нисбатан кам ўзлаштирилган, яйловларга эга ҳудудларда – кўпинча тоғ ёнбағирларида жойлаштиришга уринганлар. Шу тариқа янги қароргоҳ шаҳарлар пайдо бўлган;

2)Кўчманчи сулолалар кўп ҳолларда ўзидан олдин ўтган йирик сулолаларнинг изидан бориб, улар томонидан амалга оширилган ишларни қайта тақорорлашга ҳаракат қилганлар. Яъни Кушонларнинг изидан Хионийлар борганидек, Эфталийлар ҳам Хионийларнинг изидан бориб, улар танлаган бошқарув марказларини ўз ҳокимият марказига айлантиришган бўлишлари мумкин.

Эфталитларнинг бошлангичдаги номи *Wār* бўлган деб қараган Й. Маркварт Тўхористоннинг илк ўрта асрлардаги бошқарув марказларидан бири *Wārwaliz* ёки хитой йилномаларидаги *Pat-ti-yen* (буғунги Қундуз) шахри номида ушбу атамани кўришга уринади.[5]

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, айрим тадқиқотчилар хитой йилномаларида эфталийларнинг пойтахти сифатида келтирилган Пат-ти-ян (яъни *Pat-ti-yen* –

диссерт.) номини қадимги Патикант, яъни Пойкенд билан тенглаштирадилар ва ушбу шаҳар қолдиқлари шунга ишора қилишига эътибор қаратадилар.[6] Бироқ бу фикрға бир қатор омиллар туфайли қўшилиб бўлмайди. Биринчидан, юқорида келтириб ўтилганидек, хитой йилномаларида Эфталийларнинг пойтахтини Амударёдан 100 км жанубда Вахш дарёсига яқин жойдаги **Бадиян шаҳри** мазмунида маълумот учраб, йилномаларда қайд этилган ушбу таснифлар Пойкентга эмас, Ухюй, яъни Амударёнинг жанубидаги Кундуз шаҳрига тўғри келади. Бу шаҳар хитой йилномаларида Бадиян, Хо, Хуа (Авар), мусулмон манбаларида Валвалиж кўринишларида учраб, ўрта асрларга келгачгина бу ер Кундуз деб номлана бошлаган.

Пойкентни Эфталийлар пойтахти бўлган, деб қаровчи тадқиқотчилардан яна бири А. Мұхаммаджонов бирор ёзма манбага таянмасдан «айрим маълумотларга қараганда, Пойкент Эфталийлар пойтахти бўлган» деб ёzádi.[7]

Шунингдек, Бухоро шаҳри яқинидаги Варахшани Эфталий ҳукмдорлари қароргоҳларидан бири сифатида қарайдиган тадқиқотчилар ҳам учрайди. Уларга кўра, Варахша ёдгорлиги V асрга тегишли сарой топилганлиги бундай деб қарашга имкон беради.[8]

Айтиб ўтиш керак, бирор ёзма манба маълумотига эга бўлмасдан бу борада аниқ бир тўхтамга келиш қийин.

Эфталийларнинг бошқарув марказини Бухоро воҳасидан излаш, гарчи ёзма манбалар бу борада тўғридан-тўғри маълумот бермаса-да, бир тадқиқотчининг ишидан иккинчисининг ишига текшириб кўрилмасдан кўчиб ўтиб келаяпти. Бир қатор тадқиқотчилар Наршахийнинг «Тарихи Бухоро» асаридаги айрим маълумотларга таяниб, Турк хоқонлиги ҳокимиятининг дастлабки йилларида Бухорода келиб чиқиши Эфталийлардан бўлган Абрўй исмли ҳукмдор бўлган деб ҳисоблашади. Бунга кўра, 580-йилларда Абрўй исмли ҳукмдор зулмидан шикоят қилган бухоролик зодагонлар хоҳишига кўра, Қорачурин (Тарду?) хоқон ўз ўғли Шер-и Кишвар (Эл-Арслон)ни Бухорога юборган, шаҳзода эса Абрўйни ўлдириб, бу ерда ўз сулоласини барпо этган эди. Шунингдек, айрим тадқиқотчиларга кўра, 580–600 йиллар оралиғида хоқонлик ва Сосонийлар орасидаги зиддиятлар пайтида кўплаб хоқонлик вакиллари (Шава, Пармуда ва б.) Бухорода фаолият юритишган бўлиб, улар аслида Эфталийлар сулоласи вакиллари бўлган. Бунга Шава, Пармуда исмларининг эфталийча сўз эканлиги ҳам гувоҳлик беради. Бироқ бу фикрлар бирмунча жўн бўлиб, лингвистик томондан исботланмаган.

Ҳақиқатдан ҳам Наршахий турк ҳукмдори Қорачурин хоқоннинг ўз ўғли Шер-и Кишварни Бухородаги нотинчлик (Абрўй қўзғолони)ни бостириш учун юборганини қайд этиб ўтади.[9] Бироқ ушбу муаррих бирор аниқ санани

келтириб ўтмаган. Ф. Бобоёровга кўра, бу воқеа айнан шу йилларда юз бергани ёки аксинча ҳали тўлақонли ечилмаган масала бўлиб, синчиклаб кўриб чиқишни талаб қиласди.[10]

Б. Эшовнинг ёзишича, Эфталийларнинг пойтахти Балх шаҳри бўлиб, VI келганда улар анчагина катта худудларни эгаллаган эдилар. Кўпчилик манбалар Эфталийлар даставвал қўчманчи халқлар бўлиб, кейинчалик ўтроқлашгани ҳақида маълумот беради.[11] Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Балх шаҳри илк ўрта асрларда сиёсий-маъмурӣ марказ эмас, кўпроқ будда роҳиблари яшайдиган, юзга яқин ибодатхоналарга эга маънавий-диний марказ сифатида билинган. Шу туфайли Турк хоқонлигининг Тўхористондаги ноиблари – Тўхористон Ябгулари (тахм. 620-750 йй.) Балх шаҳрини эмас, ундан бирмунча шарқда жойлашган *Хо* (Кундуз) шаҳрини танлаганлар. Бундай ҳолат Эфталийлар даври учун ҳам хосдек кўринади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Ф. Бобоёров Эфталийларнинг бошқарув марказлари *Хо* (Кундуз) ва Балх бўлганига эътибор қаратиб, бу шаҳарлар Турк хоқонлиги даврида ҳам шунга ўхшаш мавқени сақлаб қолганлиги, бу ерлардан хоқонлик вакиллари – Тўхористон Ябгулари (620-750) ўзининг сиёсий марказлари сифатида фойдаланганликларини ёзади. Унинг ёзишича: «Хоқонлик томонидан бевосита бошқарилган воҳа ҳукмдорликларидан яна бири Тўхористон бўлиб, бу ер бошқаларига нисбатан анча кенг ҳудудни ўз ичига олган. Жумладан, хитой йилномаларида Тухоло (Тўхористон) 27 та майда ҳукмдорликдан ташкил топгани ва уларнинг барчаси қароргоҳи *Хо* (Кундуз)да бўлган, келиб чиқиши Ашина хонадонига мансуб *шеху* (турк. ябгу) унвонли ҳукмдорга бўйсуниши таъкидланади.[12] Дарвоҷе, Балх, Термиз, Ҷағониён, Хуттал, Кумед, Воҳон, Шуғнон, Қубодиён, Ваҳш, Шуман, Аҳарун, Карабон, Руб, Самингон, Шубурғон, Гузгон, Гарҷистон, Бадғис каби ярим мустақил ҳукмдорликлардан ташкил топган Тўхористонни туркий ябгулар бошқариши араб манбаларида ҳам бир неча бор қайд этилади».[13]

Эфталийлар бўйича қўплаб тадқиқотлар қилган Б.А. Литвинский Сюан Цзан 630-йилларда минтақага ташриф буюрган пайтида Эфталийларнинг пойтахти *Бо-ҳо* (Балх) бўлган деб ёзади.[14] Бироқ айнан шу йилларда бу ерда Ғарбий Турк хоқонлиги вакиллари – Тўхористон Ябгулари ўз бошқарувини кучайтирган бўлиб, Балх уларнинг ижтимои-сиёсий ва диний-маданий марказларидан бири эди.[15]

Юқорида бир неча бор айтиб ўтилганидек, Эфталийлар давлатининг таянч ўлкаси Тўхористон бўлиб, бу ерда унинг бир неча бошқарув марказлари ўрин олганди. Ўлқадаги Ҷағониён, Термиз, Балх, Кундуз ва б. шаҳарлар Кушон ва Хионийлар даврида муайян бир бошқарув маркази вазифасини ўтаганидек,

Эфталийлар даврида ҳам бу ҳолат сақланиб қолади. Шунинг учун ёзма манбаларда Эфталийлар давлати Тўхористон ўлкаси ўлароқ тилга олинади. «Вэй-шу» йилномасида 464 йилда *Тухоло* (Тўхористон)дан Шимолий Вэй сулоласига элчи келгани тилга олинган бўлиб, улар Эфталитларга тегишли бўлса керак. Бошқа томондан эса *Идан* (Эфталит) ва *Тухоло* давлати бир-бирига қўшни давлатлар сифатида кўрсатилади. «Суй-шу» ва «Тан-шу» йилномаларида эса 615 йилда Тўхористондан Хитойга элчи жўнатилгани, улар хитойликларга *Идан* (Эфталит)лар билан ёнма-ён яшашлари тўғрисида сўзлаб беришганига ургу берилади. Шу ўринда хитойшунос Л.А. Боровкова 615 йилгача *Идан* ва *Тухоло* (Тўхористон) айри-айри ўлка бўлгани, Турк хоқонлиги бошқарувни қўлга олгач, Эфталитлар шимолга - Тўхористонга қочганини илгари суради. Унга кўра, айrim хитой йилномаларида Эфталийларнинг келиб чиқиши юэ-чжилардан деб кўрсатилиши ушбу воқеликлар билан боғлиқ. Бунинг негизида Тўхористон ўлкасининг турғунлари юэ-чжилардан бўлиб, ўлкага сифинган Эфталитларнинг ташки кўриниши уларга ўхшашлиги ҳам ётади.[16]

Л.А. Боровкованинг ёзишича, *Яда/Идан* (Эфталий) давлати VII асрга келиб анча кичрайиб қолган бўлса-да, Амударёнинг жанубида яшаш давом этади. Ушбу давлатнинг VIII аср ўрталарида ҳам сақланиб қолганини «Син Тан-шу» йилномасида Тян-бао эрасининг 7- йилида Эфталийлардан элчи келгани тилга олиниши, шунингдек «*Яда – ҳукмдор лақаби, қайсики унинг издоишлари бу номни давлат номига айлантиридилар*» деган маълумот учраши бу қарашни қўллаб-куватлади.[17] Бошқа тиллардаги манбалардан ҳам Эфталийлар бирор сиёсий уюшма ўлароқ VII – VIII асрларда ҳам яшашда давом этгани пайқалади, бироқ бу пайтда улар Турк хоқонлиги қўл остидаги Тўхористоннинг кичик бир бўлагида ўз бошқарувига эга бўлганини эсдан чиқармаслик керак.

Аслида бу воқеликлар Хиндистоннинг шимоли Эфталийлар давлати томонидан эгалланган V аср охири – VI аср бошларидаги сиёсий воқеликлар билан боғлиқ. Тўхористондан Кобул орқали Шимолий Ҳиндистон (Панжоб, Гандхара ва б.)га кириб келган Эфталийлар бу ерларда ўз ҳокимиятини босқичма-босқич ўрната бошлайдилар. Уларнинг бу ердаги бошқарув марказлари ана шу воқеликлар билан боғлиқ бўлиб, Эфталийлар қўшини қайси йирик шаҳарни қўлга киритса, ўз қароргоҳини ўша ерга кўчирадилар. Шу тариқа, Шимолий Ҳиндистонда Эфталийларнинг бир неча бошқарув маркази пайдо бўлади. Масалан, бошқарув маркази Кобул бўлган Эфталийлар давлати тармоқларидан бирини бошқарган Тўраман (ваф. 515 й.) Ҳинд дарёси қирғоқларидаги бир неча ўлкаларни бўйсундириб, Шимолий Ҳиндистондаги Малвагача етиб боради. Унинг ўғли Михракул (515-530) ўз бошқарув марказини Кобулдан Гандхара (Шарқий Панжоб)даги Сакал шаҳрига кўчиради. Айrim

тахминларга кўра, хитой сайёхи Сун Юнь у билан 520 йилда шу ерда учрашади. Сайёхнинг ёзишича, ўша чоғларда Эфталийлар Кашмирни қўлга киритган эди. Ҳинд ҳукмдори Ясадхарман битикларидан аниқланишича, 533 йилда у Эфталийларни енгиб, Михрақулни ўзига бўйсундиради. Шундан кейин Кашмирни ташлаб чиқсан Эфталий ҳукмдори Гандхара (буғунги Покистон)га қайтади.

Юқоридаги таҳлиллардан Эфталийлар давлатининг бошқарув марказлари масаласида қуйидагича **хulosaga** келиш мумкин:

1) Эфталийлар ўз давлатининг таянчи сифатида 540-йилларда Амударёning юқори оқимидағи ўлкалар, яъни Тўхористон ва унинг таркибий бир қисми Помир-Бадахшонни ўз таянч ҳудудига айлантирган чоғларда бу ердаги Қундуз шаҳри уларнинг асосий бошқарув маркази – пойтахтига айланади.

2) «Эфталийларнинг бошқарув маркази Бадахшонда бўлган» мазмунидаги қарашлар ҳам бутунлай янглиш эмас. Гарчи Бадахшон муайян бир шаҳар эмас, бир неча шаҳарларни ўз ичига олган тоғлик ўлка бўлиб, пойтахт Қундуз шаҳрига бирмунча яқин жойлашган эди. Шунингдек, Эфталийларнинг анча кейин – VII – VIII асрларда ҳукм сурган кичик бир ҳукмдорлиги (Симотоло) Бадахшонда – Кишм вилояти яқинида жойлашган эди.

3) Айрим тадқиқотчилар томонидан Эфталийлар пойтахти сифатида кўрсатилаётган Бухоро воҳасидаги Пойкент, Варахша шаҳарлари Эфталийларнинг пойтахти эмас, муайян бир стратегик маркази – қароргоҳлари (қишки ёки ёзги қароргоҳи) бўлган бўлиши мумкин. Ёзма манбаларда тўғридан-тўғри эмас, билвосита маълумотларнинг учраши бундай дейишга имкон беради.

4) Айрим тадқиқотчилар Балх шаҳрини бош марказ – пойтахт сифатида кўрсатадилар. Эфталийлардан олдинги Кушонлар, Хионийлар, ҳатто ундан кейинги Турк хоқонлиги даврида ҳам Балх ушбу сулолаларнинг йирик иқтисодий-маданий ва маънавий-диний маркази вазифасини бажарган. Эфталийлар даврида ҳам бу ернинг кўплаб буддавий ибодатхоналар ва минглаб роҳибларга тўла шаҳар сифатида қайд этилиши ҳам буни тасдиқлайди.

5) Кобул, Кашмир ва Шимолий Ҳиндистонда Эфталийларнинг Кобул, Сакал (Шарқий Панжоб/ Гандхара) каби шаҳарлар бошқарув вазифасини ўтайди. Ушбу шаҳарлар Эфталийларнинг VI аср бошларида Шимолий Ҳиндистондаги ҳарбий фаолиятлари билан боғлиқ бўлиб, кўринишидан бу ҳудудда Эфталийларнинг бошқа бир тармоқ сулоласи ҳукм сурган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. Birinchi kitob.* – Toshent: Sharq, 2010. – B. 111.
2. Бартолъд В.В. Сочинения. Т. 7. – М., 1971. – С. 48.
3. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Б. 76-77.
4. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Б. 77..
5. Marquart J. Wehrot und Arang. Leiden 1938. S. 45, 147-148.
6. Тревер К.В., А.Ю. Якубовский, Воронец М.Э. История народов Узбекистана. 1-том. С древнейших времен до начала XVI аср ө. – Ташкент: Изд-во АН РУз, 1950. – С. 131.
7. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2004. – Б. 21.
8. Тревер К.В., А.Ю. Якубовский, Воронец М.Э. История народов Узбекистана. 1-том. – С. 131.
9. Наршахий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / Форс тилидан А. Расулов таржимаси. – Т.: Фан, 1966. – Б. 16-17.
10. Бобоёров F. Farbii Turk xoқонлигининг бошқарув тузуми. – Б. 247.
11. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент, 2012. – Б. 133.
12. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 321.
13. История ат-Табари. Избранные отрывки (Пер. с араб. В. И. Беляева. Допол. к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова). – Т.: Фан, 1987. – С. 124.
14. Litvinskiy B.A. The Hephthalite Empire // HCCA. – Paris 1996. – Vol. 3. – P. 149.
15. Бобоёров F. Tун ябгу-хокон. – Тошкент: Abu Matbuot-Consalt, 2011. – Б. 36.
16. Боровкова Л. А. Народы Средней Азии III–VI веков (по древним китайским и западным источникам). М.: Институт востоковедения РАН. 2008. С. 261.
17. Боровкова Л. А. Народы Средней Азии III–VI веков ..., с. 261.